

Меҳр эгаси, муҳаббат тимсолудир Аёл!



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 8-mart • N11 (3601)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарама онахонлар! Қадрли опа-сингиллар! Суюкли кизларимиз! Авваламбор, ҳаётимизнинг фойзи ва кўрки, меҳр-шафқат, вафо ва садоқат тим-соли бўлган сиз, азизларни қўтлуғ байрамингиз — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Баҳор элчиси бўлган ушбу гўзал айём ба-хонасида бизни дунёга келтирган, бағрида ардоқлаб ўлғайтирган меҳри дарё оналарга, хондонимизни мунаввар этган, фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тараб воёга етказётган сеvimли ёрларимизга, меҳрибон сингилларимизга ўз таъзим ва ташаккуримизни изхор қиламиз.

илм-фан, маданият тармоқларида, азиз фар-зандларимизни дунёда ҳеч қимдан кам бўлма-ган қомил инсонлар этиб воёга етказишда, оналар ва болалар йиллидаги улугвор вази-фаларни амалга оширишда жонбозлик кўрса-таётган хотин-қизларимизнинг ўрни ва қўша-ётган улкан хисоси бунинг аққол тасдиғидир. Азиз опа-сингиллар! Бугун биз халқимизнинг куч-қудратига ва бунёдкорлик салоҳиятига суюниб, янги жа-мият, янги иқтисодиёт, янги ҳаёт кўрмоқдамиз. Барча имкониятларимизни ишга солиб, аёлларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кўпгина ижобий ўзга-ришларга эришмоқдамиз. Энг муҳими, бу ма-салага жамиятимизнинг эътибори тобора охиб бормоқда.



Зулфия мукофоти совриндорларининг қувончи чексиз.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Фидоийлик ва қурбонлик байрами — муборак Ийд ал-Адхо кириб келиши муносабати билан Фаластин халқи ва раҳбарияти ҳамда шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали ҳукуматингиз ва биродар халқингизга қизгин табрикларимизни йўллашдан бағоят хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга соғлиқ ва бахт, биродар халқингиз ва мамлакатингизга эса бундан ҳам тараққиёт, ривож ва фаровонлик сари боришни тилайман.

Аёл деганда, бизнинг кўз олдимизда, аввало, улуг ва табарук она сиймоси намоён бўлади. Инсон зоти борки, онанинг оқ сути ва бетакрор алласи билан улғайди, оламда-ги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сир-лари ва сабоқларини она меҳри, она сахо-вати туфайли ўрнади. Умримизнинг энг ширин дамлари, сўнмас ҳаётий таассуротларимиз ҳам болалик дав-ри билан, она бағрида кечган беармон йил-ларимиз билан боғлиқ.

Мана шу фойзли дамларда қадрли опа-сингилларимизга қарата чин қалбимдан шуни айтмоқчиманки, сизлар биз учун ҳамisha на-зоқат соҳибаси, чексиз меҳр эгаси, муҳаббат тимсоли бўлиб қолаверасиз. Сизларнинг латофатингиз ва қалб сахо-ватингиз бизга доимо куч-ғайрат ва шижоат башх этади. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни янги аср, янги минг йилликнинг биринчи баҳори-да нишонланаётган 8 март — гўзаллик ва на-фосат айёми билан яна бир бор табриклай-ман. Хондонларингизга кут-барока тилайман. Эл-улус бахтига, оёйсизта оилангиз, азиз фарзандларингиз бахтига доимо саломат ва саодатли бўлишингизни Яратганнинг ўзидан тилаб қоламан.

Advertisement for 'Gurung' magazine. Text: 'GURUNG Хикоя 3-6ЕТ КЕНГЛИК ХИКМАТИ 4-6ЕТ ҚИЗЛАР ДАФТАРИДАН Шерлар

Advertisement for 'Bayram qilar' magazine. Text: 'Байрам қилари КУТЛИБЕКА СЕНЖАН СЕВАРИМ...

“ОФАРИН” МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

“Йилнинг энг яхши рамоси” номинацияси бўйича “Офарин” мукофотиغا номзоди қўйилган ижодкорлар сафида рангтасвир асарлари билан мухлислар эътиборини қозонган мунаввар Жамол Усмоновнинг ҳам номи бор. У “Лисон ут-тайр”, “Сабъана сайёр”, “Сафар” туркум асарлари, “Тариқат”, “Парвоз”, “Ошиқ дарвеш”, “Ташналик”, “Шайх Санъон” каби кўплаб асарлари билан республика ва халқаро кўрғазмаларда муваффақиятли қатнашмоқда. Жамол Усмонов “Рух ва ҳаёл”

компази́торлари асарларини қатор чет мамлакатларнинг йирик концерт залларида ижро этганида мусиқа ихлосмандлари унинг маҳоратига таҳсин айтишган.

Хамза номидаги драма театри актрисаси Мадина Мухторовани санъат мухлислари яхши билишди. Театр сахнасидаги ранг-баранг роллари, айниқса, “Чиндилдиқ” спектаклида яратган образи унинг

КАМТАРЛИК ЗИЙНАТ

Ўтганлар хотирасини эъзозлаш халқимизнинг азалий удумлиридан саналади. Хотиралар, ёдномалар нафа-қат ёш авлодга эзгуликдан сабоқ беради, балки улар қалбига ота-боболаримиз асрлар давомида амал қилиб келишган одамийлик, ҳалол-лик фазилатларини, уммин-соний қадриятларини сингди-ради. Шу маънода хотиранинг тарбиявий аҳамияти гоятда муҳимдир. Бирок айрим ҳолларда биз халқ назарига тушган, эл эътиборини қозонган инсон-лар ҳақидаги замондошларимизнинг хотираларини



Баҳор борлигини шиддат билан увартириб юборади. Қоллардан тунд боққан музликлар ўйнаб, рақе тунаётган туқдинларга айланади. Таёқлар, чўплар, яшил япроқлар, ним пушти гуллар, нолик майсалар бўлиб кўзга, қўнига яқинлашади. Инсоннинг ҳам қалбида бир қудрат уйғонади. Севгиси, севингиси келади. Дилнинг туб-тубидан шевр, қўниқ овозланади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг муъжазгина анжуманлар заляда бўлиб ўтган шонирлар муншораси ҳам баҳор руҳи билан бошланади. — Аёл муҳаббати маъмуҳ нарса эмас. У севги деганда жонидан бўлиб фарзанди ариумандларни, бош эгаси, дусту янгаларни ва, албатта, муҳаддас Ватанин тушунади. Шунинг учун Сизнинг шеврийннгиз — муҳаббатли,

БАТАН, ҚҲНФИРОФИНГ БҮЛАЙИН...

мушорани очаркан. Овоз сўз — ҳақиқат суварти. Овоз сўз — кураш ялови. Овоз сўз — қадар, гурур овози. Шарифа Салимова, Хосият Бобомуродова, Шарофат Ботирова, Дилбар Бону, Халима Аҳмад каби забардаст шонирларимиз унган шеврларда ҳур сўзнинг турфа имкониятлари намоён бўлиди. — Ёшлар — улағиёй боғётган умидимиз. Мустаҳкамланаётган ишончимиз. Шунинг учун муҳтарам истеъдодли қизларимиз сафида уюшмамизнинг энг хенжа аъваларидан бири — Гулжамол Асқарованинг борлигиндан суюнмас. Улайиминки, адабиятга катта шижоат билан келаётган ёшларимиз “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол аъвалари бўладилар, — деди Ўзбекистон ҳақ шонираси Ойдин Қожиева шогирдаари ва издошларини меҳр билан таърифлаб, уларга бир-бир навибат

Қувонқаз газетиндан хат

Ўқиганда таажубли ҳолни қузатамиз. Бу биринчи гада хотира ёзган муаллифининг “мен”и билан боғлиқ. Бир пайтлар рус журна-листи Г.Бочаровнинг “Агар Шукшин ҳақида гапирадиган бўлсак...” сарлавҳали очер-кини ўқигандим. Унда муал-лиф таниқли адиб Василий Шукшиннинг сафдошларидан у ҳақда хотираларини сўра-ганини ва асарият ҳолларда сўхбатдошлари Шукшин баҳо-насида ўзларини “улуглаш”га берилиб кетишганини эъти-роф этади. Бир қарашда оддий туолувчи бу ҳол аслида камтарлик доирасига тўри келмайдиган иззатпараст-ликдир. Модомики, биз ўзимиз азиз билган, қадрлаган, ибратли фазилат-ларидан таъбирланган инсон-ларни хотирлар эканмиз, бироз камтар бўлсак, хотира туйғусини суиистъёмол этмасак, ёгда олаётганимиз уша инсон ҳақидаги гапларимиз бахонасида ўзимизни намоиш этишдан сақлансак, ўқувчиға ҳам фикримизни таъбирчан етказган ҳамда хотирлана-ётган инсон руҳини шод этган бўламиз.

ЎЗБЕКЛАР ЧОМНАСИДА

бераркан. Зарифа Эралиева, Ойбу Сулодиқова, Рухсори Оллоберова, Фароғат Мусурмонова каби шонирлар шеврлари мушориа бошловчисининг бу фикрларига жаюбдай янгради. Турди маъзуларда ўқилган шеврлар бир нуқтада туташаверди. Бу ҳурликка эришган Ватан учун қувонч, унинг хизматига камарбасталик. Шонирлари Ватандан суъзаган, Ватанда юксалган шеврийнғ ёруғ йўларда саодатгаи манзилаларга тараф юраётган улут қароон қўни-роқларига ўхшайди. Овозинг жаранглайверсин! Чароқ, толиқин билама! Қ.РАҲИМБОВЕВА

ЎЗБЕКЛАР ЧОМНАСИДА

Туғилганда, гуллиғи, ойлиғидан оғринмай кеча олади. Ўзбекистонимизнинг одис-якин шаҳру қишлоқларига бориб, опа-сингилларимиз билан сўхбатлашиб, сирлашиб шундай хулосага келдим. Жайхун бўйларига хизмат сафарим пайтида “Оксан” деб аталган фермер хўжалиғи раёбири Дармонжон Абдуллаева билан танишдим. У “Қиличбой” жамоа хўжалиғида хотин-қизлар кўнтинсининг раисси ҳам экан. Мен эрталабдан кечгача Дармонжон билан юрдим. У фермер хўжалиғининг эқишга тайёрланаётган ерини текширдим. Асли касби агроном. Шартнома асосида сут топираётган боғчасига бориб, сүт сифати, нарх-наво масаласида мудира билан узоқ музокарапардан сўнг бир битимга келишди. Касб-хунар коллежига бориб, режа бўйича ўтказилаётган хукукий маслаҳатнинг кўча семинари — савол-жавоб кечасида қатнашдик. Дармонжон йўл-йўлакай неча аёлнинг арзини тик турган қўйи эшитди, кимларгадир, нималардир тайинлади. Бундай қараганда, бу аёл деярли болаларидан тинчиган. Шу қадар елиб-қурситилган рўзгор учун деса, болалари, келинларининг қўлларинда ишлари бор. Шухрат, обрү деса жуда ном чиқариш учун ўзини ўққа-чўққа урадиган аёлга ўхшамади. — Эрим Эркабой Исмоилов узоқ вақт мана шу “Қиличбой” жамоа хўжалиғига раис бўлган. Обдончиликка жуда ҳаваси баланд эди. Узоқ-узоклардан манзарали дарактлар олиб келиб экканди. Бевақт дунёдан ўтиб кетди. Орзулари ерда қолиб кетмасини, дейман. Жоним борича, унинг мақсадлари йўлида хизмат қилман, — дейди Дармонжон. Мен чеҳрасида офтоб, аёз изи бор заҳматқаш сўхбатдошимни тинглаб ўтириб, Аёл ўзидан кура кўпроқ бошқалар учун яшайди, деган фикрининг нақадар тўри эканлиғига яна бир қарра амин бўлдим. У қошига ўса, кўзига сурма тортаркан, сеvimли кўриная, эътиборини тортая деб эмас, одамлар чиройни, гузаллиқни унутишмасин, сеvimли янашени, деган ниғята пардоз-анлоз қилиди...Байрам, тўй бахона тақинқўқлар

Аёл Мен шунчаки ой эмас, Булулдан чиққан оймам. Мен шунчаки қуш эмас, Патларги гўл хўймам. Азизим, мени қизган. Буабул қўздан томган — Бир томчи шабнамдирман, Чайқалиб ёнаётган Шамоладеи шамдирман. Азизим, мени қизган. Биргина лаҳзаман мен, Биргина нафасман хуш. Сен қўрган барча тушлар — Ичра ёруғ, ширин туш. Азизим, мени қизган. Емғирдази чўғдирман, Нишондаси тугўдирман. Сен қизгонсанг, борман мен, Қизгонмасанг айўқдирман. Азизим, мени қизган!







Китобингизни қандай...

дея барчани кенгликка чорлайди. Мана, сизга керагича кенглик!.. "Борлигини минг хил туйғу сўтиб борган" шоира дунёдан ҳам тинчлик, кенглик сўраб, яхшилик истайди:

Меҳмондиримиз тўрт-беш кунлик, Кўзи шодон, кўнгли мунглик. Қилгин тенглик, қилгин кенглик, Сен қоларсан, биз кетармиз...

Бу ўринда кенглик тушунчаси тенглик тушунчаси билан ёнма-ён қўлланган, шеърдаги бадиий мазмун аниқ. Халқимиз мустақилликка

КЕНГЛИК ҲИКМАТИ

эришиб, ўз имконияти кенгликларини қўлга киритди. Қўлга киритилган бу кенгликлар Ҳ. Худойбердиева шеърларида асосий мавзуга айланган. У Туркистон кенгликларидеги инқирозлар, бузилишлар, тикла-нишлар ҳақида "Устир Худо деган шу мамлакатни!", "Туркистон келди", "Кунинг кулсин", "Ватан", "Бу улуг қарвонни кимлар талади" каби бир туркум шеърлар яратди. Шеърларида "Худойим, элимга подшоҳлик бер" деган илтижоси, "Менам ўтдан ўтганман. Менам Туркистонийман" деган фахрияси, "Шукур, кўрдик, биз кетмасдан

Туркистон келди" деган шукронаси бадиий акс этди. Ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш, она-Ватанга тегишли ҳар бир нарсани муқаддас билиш, ўзини шу Ватан кенгликларига дахлдор деб ҳис қилиш ҳақиқий инсонларга хос фазилатдир. Шоира шу хислатни "Мен биргина сўз ўстирдим" шеърда ниҳоятда улуглайди, Сўзи билан шу азиз Ватаннинг оддий кўриқчиси эканини эътироф этади:

Оққан бўлсам ҳамки унинг пойида тинмай, Элга нафим кам менинг, деб нечун ўқсинмай, Мен биргина сўз ўстирдим, Мангу кўз юммай. Туркий элни балолардан кўриб чиқар сўз!

Шоирамиз кейинги пайтда бир туркум тўртликлар ҳам ёзди. Тўртликларда катта лирик жанрларга хос мазмундаги кенглик бордек туюлди менга. Гўё тўртликлар халқимизнинг маънавий камолотига бағишлангандек. Инсонни маънавий жиҳатдан бойитадиган хислатлар улугласан, инсонни ерга урадиган хусусият танқид қилинади.

Демак, шоира Халима Худойбердиева бугунги кунда ўз қалами билан кенгликлар манзараларини чиза олган. Бу ижодий саъй-ҳаракат "Сайланма"да яққол тажассумини топган. Китобдаги шеърларни турли принциплар асосида таҳлил-тадқиқ этиш мумкин. Лекин ҳаммасида бир ҳикमत борки, буни теран англаш учун уни мутлоқла қилиш керак.

Робия РАҲАБОВА, ЎЗФА Навоий номдаги Тил ва адабиёт институти докторанти

Тарих халқнинг ўзлигини англашида қудратли омил-дир. Ўтмиш воқеаларга назар ташласангиз, сон-саноксиз ибратли ва ўрнакли ҳодисаларга дуч келасиз. Улар орасида она-юрт озодлиги йўлида қаҳрамонона жанг қилган Тўмарис, Зарина сингари оқила ва мард момоларимиз, Широқ каби жонфидо боболаримизнинг табаррук номларини учратамиз. Бу алп инсонларнинг номлари ҳатто қадимги дунёнинг буюк тарихчилари — Геродотнинг (эрамиздан аввалги V аср) "Тарих", Ктесийнинг

"ҲАЁТНИНГ ҚАДРИ НАДИР?.."

У ўғли билан видолашаркан, дейди: "Этамиздан аввалги V—IV асрлар) "Фурс тарихи", Полиеннинг (эрамизнинг II асри) "Ҳарбий ҳйилалар" китобларида абадиётга битиб қолдирилган. Биз айна замонда "Ватан учун жонини берган қаҳрамонларнинг адабиётдаги, эҳтимом, дастлабки энг порлоқ намуналаридан" (профессор Боқижон Тўхлиев) бўлган Широқ сиймоси ҳақида гапираримиз.

"Широқ" афсонаси асосида қўллаб ҳикоя ва киссалар, шеър ва достонлар ёзилган, яна ёзилверади. Чунки она тупроққа, она халққа муҳаббат сўнмас экан, Широқ мавзуи ҳам қаҳрамонлик манбаи бўлиб қолаверади. Шоир Усмон Қўчқорнинг "Широқ" ривоят-достони фикримизнинг бир далилидир. Усмон — фикрчан, ҳассос шоир, яхшигина

"Офарин" мукофотида номзодлар драматург ва таржимон. Унинг ижоди бакуват илмий-тадқиқот учун мавзу бўлишга лойиқ. Шу жиҳатдан шoirнинг "Широқ" ривоят-достони нуфузли мукофотга ("Йилнинг энг яхши балалар ижодкори" номинацияси бўйича) тақдим этилганлиги кўнглидир.

Инсон учун энг қимматли нарса — ҳаёт. Ҳаётдан ҳам қимматли нарса эса — Она-Ватан! Чунки Ватан ҳамма нарса — ота, она, ака-ука, опа-сингил, ёр... Широқ ҳам Ватани ана шундай юксак маънода тушунадди, севади.

Тўриб тасвирлайди. Унинг Дороси кибри, манманликдан бегона бўлмаган одам. Бирок, шу билан бирга, у бошиқлик билан мулоҳаза юритувчи ақли шахс, доно давлат бошлиги; Широққа муносиб рақиб. Широқ ана шундай ақли подшо ва саркардани енгади. Чунки унинг иши адолатли, ҳақ иш эди! Шунинг учун у голиб бўлди. Достонда мағзи тўқ мисралар кўп. Масалан, шоир Тангрининг ишига қойил қолиб шундай дейди:

Ҳар жабрга бор жавоб, Ҳар зулмга жазо бор. Қўймасайдинг сен агар Ҳар бир нафса бир қоқжон, Бу дунёни ютарди Ҳар нафс деган ўпжон.

Яна: "Уч киши билган сиринг Асло сирлиги қолмас"...

Лекин юрт севгисидо Тенгдир ҳоқон ва чўпон.

Мухтасар мулоҳазаларимиз охирида бир фикрни ҳужимга ҳавола этмоқчимиз. Усмон Қўчқорнинг "Широқ" ривоят-достони драматик дoston каби ўқилади. Ёнабарин, унга ижодий ёндашилса, мактаб саҳнасида самарали фойдаланиш мумкин. Шоир Широқлар тикиб кетган туғнинг ҳеч қачон куламлигини истайди, шундан ташвишланади: Ҳар нафс дунёни ютарди Ҳар нафс деган ўпжон. Биз ҳам уша туғнинг ҳар бир ўзбек қалбидо жилпирашини орзу қилами!

Маҳмуд САЪДИЙ

Дунё — кенг...

"КИЛИМАНЖАРО ҚОРИ" ЭРИЙДИ

Африкадаги Килиманжаро тоғи бу китъанинг энг баланд жойи ҳисобланади. Килиманжаро деганда беихтиёр америкалик машҳур адиб Эрнест Хемингуэйни эслаймиз. "Тангрлар уйи" деб ном олган бу тоғни ёзувчи ўз асарларида, айниқса, "Килиманжаро қори" ҳикоясида жўшиб куйлаган. Асрий музликларга макон бўлган Килиманжаронинг гўзал чўққиларини ўз кўзи билан кўриш учун Танзанияга ҳар йили 20 мингдан ортиқ сайёҳ ташриф буюради ва мамлакат ҳазинасига бундан яхшигина даромад тушади. Бирок АҚШнинг Огайо штати университети профессори Л.Томпсоннинг илмий маълумотларига кўра, 2015 йилга келиб, Килиманжаронинг музликлари буткул эриб кетаркан. Америкалик олим Тибет ва Алп тоғлари музликларини ҳам ана шундай қисмат кутаётганини эътироф этган.

Гап фақат юксак тоғлар музликларидо эмас. Умуман, Ер атмосферасида об-ҳавонинг исмиши кейинги йилларда бир қадар тезлашган, дейишмоқда мутахассислар. Уларнинг таҳминича, шу юз йилликда Ер сатҳидаги ҳарорат 1,4 даражадан 5,8 даражагача исмиши кутилмоқда. Бунинг оқибатида музликлар эриб, океанлардаги сув сатҳи 9 см.дан 88 см.гача кўтарилган. Бундан кўриладиган зарарнинг эса ҳисобига етиш мушкул. Чунки сув нафакат ороллару денгиз кирғоғидаги ҳудудларни, балки Голландияга ўхшаган денгиз сатҳидан паст ҳудудларда жойлашган бутун бир мамлакатларни ўз қомига тортиб кетиши мумкин. Ер атмосферасининг қизиши турли минтақаларга турлича таъсир кўрсади. Африкада ҳосилдорлик камайиб кетса, Жануби-Шарқий Осиёда додли экинлар ҳосили кўпаяди, Австралия ва Янги Зеландияда сув танқислиги пайдо бўлса, Европа тошқинлардан жиддий зиён кўради.

Айни шу муаммога бағишланган БМТ ҳисоботида жаҳон ҳамжамиятига мурожаат этилиб, атмосферага турли хил газларни чиқаришни кескин камайитириш зарурлиги таъкидланади.

ТАШВИШЛИ РЕКОРД

Ўтган йили дунё бўйича турли соҳаларда қўлга киритилган энг улкан ютуқлар орасида ташвиш туғдирадиганлари ҳам бор экан. 2000 йил акулаларнинг одамларга ҳужум қилиши энг кўп содир бўлган йил сифатида қайд этилди. Бундай воқеаларни маҳсус эзиб борадиган қайдномада кўрсатилишича ўтган йили акулалар одамларга етмиш тўққиз марта ҳужум қилган, шундан ўн мартаси фожиали тугаган. Мутахассисларнинг фикрича, акулалар ҳужумлари сонининг кўпайганига сабаб, бу жониворларнинг фаоллиги охиб кетганидан эмас, балки ахборот технологиясининг юксак ривож топгани боис бундай воқеалар ҳақидаги хабарларнинг тез тарқатилиши ва қайд қилиб борилиши изчил йўлга қўйилганидир.

"Саодат" журнали жамоаси тахририят рассоми Гулзор Султонувага онаси ХАДИЧА ая вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Юз минг эркакни бир жойга тўплаб, ораларингда хотинини яхши тушуниб етганлар бўлса, қўл кўтарсин десангиз, мана, мен аканг карагай, дея дадил қўл кўтарадигани топилса, отимни бошқа қўяман. Тўғри, орамизда жа, хотинининг ичидагини "зангори экран"дагидек аниқ кўриб, тўлиқ тушунмаса ҳам, бир-иккита келганда ўзаро тил топчишиб, бир қарорга келадиган эркаклар йўқ эмас.

Этти фарзанд, битта қўлбола боғчани тўлдирадиган неварою чеваралари бўлган кампиримни латта-пўтта, борди-кедига шунчалик ўчилигини кўриб, ҳали ҳам келинларга инсоф берсин дейман. Тўймаъракаларда кимга нима қилганию, кимдан нима келганини ярим тунда уйғотиб сўрасангиз ҳам шапалоқдек дасрўмолчагача, рангию ўзимизни пулга қанча, долларда қанча туршигача адашмай айтиб беради. Ҳамма нарса унинг "темир дафт"ига тушган.

Хотинингиз ҳисоб-китобли бўлса, нимаси ёмон дерсиз. Ёмонликка ёмон эмас-ку, аммо пенсия оладиган кун яқинлашаверса, юрагимни ховучлаб тураман. Почта ходимаси ҳали рўйхатни олиб, қўл кўйдирмаёк, хотиним ўзининг рўйхатини очади. — Энди бу пул ўлгир қулдай нарса, пуфладингми, учади-кетайди. — Бўлмаса пуфлама, гўшт-ёғ, ун, гуруч дегандай зарур нарсаларга сарфласак, қулга айланмай

пуллича туради.— дейман. — Ҳа, қорин қайғуси ўлсин-да, қорин бир тишлам нон, ярим коса овқатга ҳам тўяди. Бу дунёда қиёмат қарз деган гап ҳам бор. Қарзни узиб қўйганимиз яхши.

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

— Ҳа, ҳўп, қани рўйхатини бир четидан ўқи-чи?— дейман ўзимча олган пенсияларимизнинг қанчаси қиёмат қарзимизга, қанчаси тирикчиликка кетишини хомчўт қилиб. — Шанба куну кўчамиз бошидаги духтир аёлнинг туғилган куну, бошида эри бўлмаса ҳам менга битта тоза қўйлакли мато олиб чиққан. Бевани ҳақини еб кетиш ҳудого ҳам, бандасига ҳам маъқул келмайди. Илоҳи бўлса, устига битта ипак рўмол қўйиб чиқсам дейман. Нариги ҳафта Кумрихон кудасига бешик олиб боради. Дастурхоннинг тўрини бермай келадиган мендай хотин қўлини бурнига тикиб борса ярашмайди. Келиннингиз яхшилаб бир тоғора қат-қат сомса қилиб берса, набирасигами, бувисигами битта-яримта нарса қўйиб бормасам уят. Кимсан фалон кўчанинг

қайвони кампири деган номим бор-а. — Шулар холосими? — Вой, нималар депясиз, булар шу ойдаги тўйларнинг рўйхати холос. Одамлар ҳайит ўтинин, дея зарур тадбирларини тўхтатиб туришибди.


— Ундан ўзингга халат тикиб киймоқчи эдинг-ку? — Халат бўлса, олти минг сўм берсангиз, тайёрини олиб қияман, ўладиган жонга кийганинг қолади. Ана, гап ейдиган аёллар ойига биттадан тоза қўйлақ ёки жемпер кийишяпти, мен шўрлик эса уч ойдан бери янги нарса кийганим йўқ. Қолаверса, Рихсийо ая тунов куну мени уйига чақириб, дунёнинг нарсасини берди. — Бера қиёмат қарзга эмас, ўзинг айтгандай шогирдимга, дея эҳсон қилиб берибди-ку. Бунинг устига, келининг аянинг ўғлининг тўйида ойим ҳам тоғора устига тизза бўйи латта қўйиб бориб, қуруқ келганди, ўшанинг эвазига қўйгандир, дегандай бўлувди шекилли. — Сиз эркаксиз, келинингиз ҳали бор товогим, кел товогим мактабини кўрганича йўқ. Менга ўхшаб, ёши олтимишдан ошсин, ўшанда тушунади темир дафтardaги ҳисоб-китобларни. — "Темир дафт"инг ҳам бор бўлсин-да, қани, уни бир кўрсам бўладими? Кампирим бир энли қалинликдаги ён дафтарчани олдимга ташлади. Ё

икки қулоч оқ сурпу олиб чиқсанг ҳам қиёфа. — Мени бунча пастга урманг, номи оқ кийди бўлса ҳам, одамлар тоза, импортнинг матолар кўйишади. Мен сизга қийин бўлмасин дея, кеча ўзингиз олиб берган ҳаво ранг духобани аянинг елкасига ёпай дейман.

— Энди кўрасиз, тўйларнинг турна қатор бўлишини. — Энг зарур қарзларинг шу бўлса, қолганларини ўқимай қўя қол. — Ўзингиз ўйлаб кўринг, ой охирида кўчамизнинг йигитларидан бири ҳарбий хизматдан келади, Хуринисо қизининг ўқишга кирганига зиёфат бермоқчи. Аскар болага битта қўйлақ, талаба қизга, ҳеч бўлмаса, битта атир совун билан лабга сурқрағич совга қилмасак, ким деган одам бўламиз. Энг катта маъракалар ҳали олдинда турибди. — Яна қанақа маърақа? — Тунов куну сизга айтдим-ку, Рихсийо ая оқ кийди қилаяпти. Ким-ким, мендек шогирди бирорта қўзга кўринадиган нарса қилмасам, эшитганлар нима дейди. — Бу ҳеч гап эмас экан. Оқийдига



Муратбой НИЗАНОВ АЖАЛИ ЕТГАН ХҲРОЗ... Уятдан пул қулчи. Халқумингга керакли ёлғонни пулга сотма. Кўшнингиз кўрпачаси билқилдоқ, нони сўлқилдоқ. Кўшнингиз қулуну пойгада ошса, кўнғир отингни бўғизла. Ишни битирмасанг ҳам "хўп" де, хўпнинг тизгини узун. Иши тушганга чиран, ишинг тушганга элан. Эр-хотиннинг урушини эшик тиркишидан тинглаган яхши. Меҳмон келса эшиқдан — чиқиб қочма тешиқдан. Ажали етган хўроз, текширувчи келганда қичқиради.



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Қабулхона — 133-52-91, Котибият — 133-49-93

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Редкцияга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВЕВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН